Ушбу сонда:

2 *Касаба уюшма тадбирлари* КАРАМИ КЕНГЛИК ЎЗБЕГИМГА ХОС

3 БИЗКИМ МУЛКИ ТУРОН, АМИРИ ТУРКИСТОНМИЗ

4 ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 7 апрел, шанба №53 (1067)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН-ГЕРМАНИЯ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2-5 апрел кунлари расмий ташриф билан Германия Федератив Республикасида бўлди



Президентимизнинг Германияга жўнаб кетиш олдидан Тошкент аэропортида ва ватанимизга қайтаётиб самолётда берган интервюларида мамлакатимиз раҳбарларининг хорижий давлатларга буюраётган расмий ташрифлари моҳиятида муҳим ўзгариш юз берганини таъкидлади. Хўш, бу ўзгариш нимадан иборат? Илгари хориж сафарига чиқилганида мақсад, асосан, Ўзбекистонни таништириш, у ҳақда маълум тассурот уйғотиш, иқтисодиётимизга сармоя киритиш учун чет эл ишбилармонларини юртимизга чорлашдан иборат бўлар эди. Германия сафари бу жиҳатдан бирмунча фарқ қилди.

- Бугунга келиб жаҳон ҳамжамияти мамлакатимиз ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиб улгурди, - деди давлатимиз раҳбари. - Биз хорижий ташрифларда бўлиб, катта-катта анжуманларда қатнашиб, Ўзбекистонга, унинг очилмаган имкониятларига нисбатан чет элларда катта қизиқиш уйғота олдик. Бу борада олиб борган ташқи сиёсатимиз анча самарали бўлди. Хорижий давлатлар билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларимизнинг тобора мустаҳкамланаётгани ҳам бунда муҳим омил бўлмоқда.

Президентимизнинг бу фикри Берлин ва Дрезденда ўтган кўпдан-кўп мулоқотларда ҳам ўз исботини топди. Ислом Каримовнинг ГФР давлат ва ҳукумат бошлиқлари, раҳбариятидаги энг нуфузли сиёсатчилар билан учрашувлари эса уларнинг Ўзбекистонни минтақамиздаги муҳим ҳамкор сифатида билишини яна бир бор исботлади. Давлатимиз раҳбарининг Федерал президент Йоҳаннес Рау, Федерал канцлер Герҳард Шрёдер, Бундестаг раиси Волфганг Тирзе, вице канцлер, федерал ташқи ишлар вазири Йошка Фишер, федерал ички ишлар вазири Отто Шили, федерал иқтисодиёт ва технология вазири Вернер Мюллер каби нуфузли сиёсатчилар билан учрашувлари, сўзсиз, юртимизга бўлган улкан қизиқиш ва эътиборнинг белгисидир. Айтмоқчимизки, бир сафар давомида, нафақат бугунги Германия сиёсатида, балки Европада катта нуфузга эга бундай арбоблар билан мулоқот ўтказиш ва кўплаб масалалар бўйича якдилликка эришишнинг ўзини ташрифнинг муваффақияти, деб баҳоласа бўлади.

Президентимизнинг Германия федерал вазирлари билан ўтказган музокараларига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Ташқи ишлар вазири Йошка Фишер билан мулоқот Ўзбекистоннинг ташқи ва ички сиёсати дунё миқёсида қўллаб-қувватланиши, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликнинг ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилса, ички ишлар вазири Отто Шили билан музокара халқаро терроризм, уюшган жиноятчилик, наркотикларнинг ноқонуний савдосига қарши курашда Германиядек нуфузли шерикка таяниш имкониятини беради. Иқтисодиёт ва технология вазири Вернер Мюллер ва иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт вазирлигининг давлат котиби Эрих Штатер билан мулоқотлар эса мамлакатимизга илғор немис технологияси кириб келиши, иқтисодий ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши учун янада кенгроқ йўл очади. Шунингдек, Германиянинг Европа Иттифоқидаги нуфузли ўрнини ҳисобга олиб айтганда, бу сафар мазкур тузилма давлатлари билан ҳам ҳамкорлик алоқаларининг сезиларли кенгайишига хизмат қилади.

Ислом Каримов Тошкент ва Берлин шаҳарлари ўртасидаги ҳамкорлик Ўзбекистон-Германия муносабатларининг муҳим бўғини эканини алоҳида қайд этди. Берлиннинг бошқарувчи бургомистри Эберхард Дипген билан учрашувда мана шу алоқаларни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Шуниси диққатга сазоворки, икки давлат пойтахтларининг ҳамкорлиги бугун нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-маданий соҳаларни ҳам тобора кенгроқ қамраб олмоқда.

Берлинда Ўзбекистон элчихонаси янги биносининг очилиш маросими юртимизнингина эмас, Германия ҳаётида ҳам катта воқеа бўлди, дейиш мумкин. ГФР пойтахти Бонндан Берлинга кўчирилгач, бу ерда бирин-кетин хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари очила бошлади. Бироқ уларнинг барчасининг ҳам очилиш маросими Ўзбекистонликдек тантанали кечгани йўқ. Тадбирда икки юзга яқин меҳмон қатнашди ва улар орасида ГФР Бундестагининг йигирмадан ортиқ депутати, кўплаб федерал вазирлик раҳбарлари бор эди. Соғлиғи унчалик яхши эмаслигига қарамай, Германиянинг собиқ Федерал президент Роман Херцог ҳам бу маросимда иштирок этди.

Элчихона биносидаги безаклар, ҳақиқатан ҳам, кишини лол қолдирадиган даражада чиройли ишланган. «Усто» бирлашмасининг қўли гул ҳунармандлари томонидан деворларга ишланган паннолар кўпчилик меҳмонларни ҳайратга солди. Ислом Каримов Европанинг шундай бир сўлим, нуфузли гўшасида бу қадар гўзал иншоот бунёд этиш катта иш эканини алоҳида таъкидлади. Бу Ўзбекистоннинг маданиятини, салоҳиятини, бугунги нуфузини намойиш қиладиган бинодир, деди Президент.

Немис ишбилармонлари билан мулоқотлар ташриф дастурининг муҳим қисмларидан бири бўлди. «Даймлер-Крайслер»нинг Берлиндаги бош қароргоҳида Ислом Каримов немис бизнес

(Давоми 2-бетда)

САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Карпаторти вилояти давлат маъмурияти ва вилоят кенгаши ўлкамизда 2001 йил март ойида юз берган тошқин туфайли зарар кўрган аҳолига кўрсатилган тезкор ёрдам учун Сизга самимий миннатдорлик изҳор этади.

Кўрсатган мурувватингиз ўлка аҳолиси ҳамжиҳатликда табиий офат оқибатларини бартараф этишидан далолат беради.

Ҳамкорлик учун миннатдорлик билдирамиз.

Эҳтиром ила,

В.И.БАЛОГА,
Вилоят давлат маъмурияти раиси,
И.В.ИВАНЧЕНКО,
Вилоят кенгаши раиси.

САРИМОЙ ҚАҲРАМОНЛАРИ ХОТИРАСИГА

Хоразм вилоятида 1999 йил 30 мартда террорчилар томонидан содир этилган, Ўзбекистон тарихига Саримой воқеаси сифатида кирган фожеанинг икки йиллигига бағишланган хотирлаш маросими ва бошқа тадбирлар бўлиб ўтди.

1999 йилнинг 30 мартида Хоразм воҳасининг жанубида жойлашган Саримой қишлоғида қуролланган террорчилар гуруҳи шаҳарлараро қатновчи автобус йўловчиларини гаровга олган эди. Боскинчиларни қуролсизлантириш операцияси давомида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг уч нафар офицери ва вилоят Ички ишлар бошқармасининг (ИИБ) давлат автоинспекция бошқармаси ходими ҳалок бўлди. Шунингдек, автобус ҳайдовчиси ва йўловчилардан бири экстремистларнинг сурбетларча қилган ҳужумининг бегуноҳ қурбони бўлишди.

Тошкентлик Сергей Ничипуренко, Эрик Гаязов ва Сергей Давидовнинг номлари Хоразм халқига, бутун республикага кўрсатган жасоратлари туфайли маълум бўлди. Айнан улар ўша фожеали кунда йўловчиларни, шу жумладан аёллар ва болаларни боскинчилар отган ўқ ва гранаталардан ҳимоя қилди. Саримойда бўлиб ўтган мудҳиш воқеаларнинг эртаси куни вилоят ҳокимининг махсус қарорига биноан қатор маҳаллалар фуқаролар йиғинларининг воҳанинг бир қанча қишлоқ ва шаҳарларидаги кўчаларга уларнинг номини бериш ташаббуси қўллаб-қувватланган эди.

Саримой воқеасининг икки йиллигини хотирлаш куни вилоят жамоатчилиги вакиллари пойтахтимиздаги Дўмбрабод қабристонида бўлиб, қаҳрамонларнинг қабрига гуллар қўйишди. Шунингдек, хоразмликлар уларнинг оилаларига ташриф буюрди ва вилоят аҳолиси томонидан йиғилган маблағ ва совғаларни топширишди. Саримойда ҳалок бўлган Хоразм вилояти ИИБ давлат автоинспекцияси ходими Фарҳод Собировни хотирлаш маросими у туғилган Урганч туманидаги Гойбу қишлоғида ўтказилди. Унда вилоят ҳокимлиги вакиллари, Фарҳоднинг хизматдошлари ва дўстлари иштирок этди.

Автобус ҳайдовчи Қадамбой Сафоев ҳам фожеа қурбонларидан бири. У ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига йўловчиларни ҳимоя қилишда ёрдам беришга уриниб пайтда ҳалок бўлди. Бу йил у 40 ёшга тўлган бўлар эди. Унинг мардлиги юртдошларининг хотирасида абадий сақланиб қолади. Хива туманининг қадимий Гужа қишлоғида Қ.Сафоевнинг уйида бўлиб ўтган хотирлаш маросимида ана шу ҳақда сўз юритилди. Бобур номидаги маҳаллий ширкат хўжалиги раҳбарияти томонидан унинг оиласига хусусий «РАФ» микроавтобуси топширилди. Шунингдек, Гурлан тумани «Амударё» қишлоқ хўжалиги ширкатида истиқомат қилган йўловчи Олимбой Бозорбоевни ҳам қишлоқдошлари хотирлашди. У террорчиларни инсофга чақирмоқчи бўлганида ҳалок бўлган эди. Унинг оиласи қаровсиз ва эътиборсиз қолгани йўқ. Хўжалик бошқаруви уларга моддий ёрдам кўрсатмоқда.

Урганч шаҳрида, Питнак ва Хазорасп туманлари марказида ҳам Саримой воқеасининг икки йиллигига бағишланган турли тадбирлар бўлиб ўтди. Хотирлаш маросимларида уларнинг кўрсатган жасорати халқимиз хотирасида абадий сақланиши таъкидланиб, хушёрликка, диний экстремизмнинг ҳар қандай кўринишидан огоҳ бўлишга даъват этилди.

Т.ШАМАКОВ,
ЎзА мухбири.

САРМОЯДОР МАБЛАҒИ ЭВАЗИГА

Андижон туманидаги кўҳна Храбек қишлоғи яна битта саноат корхонасига бойиди. Қишлоқда трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган фабрика фаолият кўрсата бошлади. Корхона маҳаллий тадбиркор Саидаҳрор Икромовнинг маблағлари эвазига, унинг саъй-ҳаракатлари билан барпо этилди.

— Храбекда ишга туширилган бу корхонанинг энг муҳим томони шундаки, — дейди тадбиркор С.Икромов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Ҳозирнинг ўзида бу фабрикада 150 нафар қишлоқ ёшлари доимий иш билан таъминландилар. Яқин келажакда эса корхонада меҳнат қиладиганлар сонини 300 кишига етказиш мўлжалланмоқда.

Фориш туманининг «Янгиқишлоқ» аҳолиси кизилкирга кўчиб чиқди.Ўтовлар тикилди. Кўчма ошхоналар курилди. Сайхонликда курилган эстрада сахнасидан туман маданият уйи бадиий хаваскорларининг куй-кўшиклари узок-узокларга таралиб турди.

ҚИШЛОҚДА ХАЛҚ САЙИЛИ

Табиат қўйнида ўтказилган халқ сайлида беморларга, ногиронларга, ёлғиз қарияларга, меҳнат фахрийларига ғамхўрликлар кўрсатилди. Уларга дастурхон ёзилиб, моддий рағбатлантирилди. Туман ҳокимлиги ва касаба уюшма ташкилотлари раҳбарлигида ўтган ушбу тадбирдан уруш ногиронлари Тиллабек Комилов, Дониёр Мадиев, Ортиқбой Шунқоров, ёлғиз қариялардан Ўғилой Раҳмонова, Жумабек Раббимовлар беҳад хурсанд бўлишди. Қалблари эса қувончга тўлди.

Алибой ЭРГАШЕВ.

ЁШЛАР ВА МАЪНАВИЯТ

Аҳолининг умум нуфузида вояга етмаганлар нисбатан катта ўрин тутишига кўра Ўзбекистонимиз бошқа мамлакатлардан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам бу масала ҳукуматимизнинг доимий диққат марказида турибди.

Хусусан ўтган йилнинг 21 сентябрида Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар иши бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида» қарори қабул қилинган эди.

Хўш, жойларда бу борада қандай ишлар амалга ошириляпти? Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг «Маънвият ва мафкуравий тарбия вояга етмаганлар билан ишлашда маънавият ва маърифат ходимларининг вазифалари» мавзуида ўтказилган Асака шаҳрида минтақавий илмий-амалий семинарида вояга етмаганлар иши бўйича Давлат дастурини ҳаётга тадбиқ этиш маънавият ва маърифат соҳасига мутасадди ходимларнинг бирламчи вазифаларидан экани таъкидланди.

Йиғинда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари шаҳар ва туманлар Маънавият ва маърифат кенгашлари масъул котиблари иштирок этди.

Жойларда Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг долзарб маънавий-маърифий ва мафкуравий масалалари муҳокамасига бағишланган ана шундай минтақавий илмий-амалий семинарларни ўтказишга келишиб олинди.

СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАРКАЗИ

Фарғонадаги сўлим «Чимён» санаториясида «Она ва бола» соғломлаштириш маркази ташкил этилди. Санаторияда 400 нафар она фарзандлари билан дам олиши, саломатлигини тиклаши мумкин. Бу ерда замонавий спорт соғломлаштириш мажмуаси; чўмилиш ҳавзалари бунёд этилди, турли кўнгилочар, маданий-маърифий тадбирларни ўтказишга ҳам шароит етарли. Оналар ва болалар саломатлигини тиклаш ва уларнинг мазмунли дам олишлари учун касаба уюшмалари вилоят кенгаши 53 миллион сўм маблағ ажратди.

«Ишонч» фош этади

СОХТА ДИПЛОМ

Ёзувчи Худойберди Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб» асаридаги қувноқ Хошимжон ёдингиздами. Унинг сеҳрли қалпоқча ёрдамида амал курсисига ўтириб олиб,ўз кўл остидагиларга телба-тескари маслаҳатлар бергани-чи? Булар ёзувчининг фантазияси, болаликнинг ширин ва ғўр орзулари-ку, деб мийиғингизда кулиб қўйдингиз, албатта.

Кизирик туман прокуратураси томонидан аниқланган сохта дипломлиларнинг ажойиб ва ғаройиб саргузаштларини эшитганларнинг эти сескангани ёки «телба» деб ёқа ушлагани аниқ.

Жамиятга етказилган моддий зарарни баҳолаш, ўрнини қоплаш ҳам мумкиндир. Лекин маънавий зарарни, айниқса, ёшлар онгида билибмибилмай пайдо қилинган бўшлиқни, кемтикни тўлдириб бўлармикин?

Табиийки, лоқайдлик, бепарволик ҳукм сурган жойда ҳар хил иллатлар уя қуради, ҳатто жиноятчиликка замин яратилади. Раъно Янгибоева ҳам шундан фойдаланди. Денов педагогика билим юрти томонидан берилган деб расмийлаштирилган 095124* рақамли дипломни Абдураҳмон Абдуллаев исмли шахсдан 20 минг сўмга сотиб олиб, Қизириқ туманидаги 27-ўрта мактабнинг бошланғич синфларига оз эмас, кўп эмас — 1998 йилнинг ноябридан 2001 йилнинг январ ойигача меҳнат таълимидан «сабоқ» берди. Қойил! Раъно Янгибоеванинг бу соҳада билими, кўникмаси, савияси йўқлигини, ҳужжатнинг қалбаки эканлигини на иш жойидагилар, на иш берувчи — туман халқ таълими бўлимидагилар пайқашди.

«Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради» деганлари рост экан. Иш берувчининг бепарволигидан фойдаланган Мақсуд Тангиров ҳам бир юмалаб Денов педагогика билим юрти томонидан «берилган» 010921* рақамли диплом эгасига айланиб, мазкур туманнинг 19-умумий ўрта таълим мактаби бошланғич синфларида 1999 йилнинг январ ойидан 2000 йил август ойига қадар фаолият кўрсатди. Бу шахс терговда берган кўрсатмасида сохта дипломни Шеробод деҳқон бозори ёнида номаълум шахсдан 14000 сўмга сотиб олганини баён этган.

Гулчеҳра Мелибоева ҳам худди Раъно Янгибоева сингари ўзи учун муҳим ҳужжатни фирибгар Абдураҳмон Абдуллаев билан талашиб-тортишиб бироз қимматроққа, 36 минг сўмга сотиб олди. «Диплом сеҳри»ни қарангки, «ўрокда йўқ, машоқда йўқ» бу учар йигит шундан сўнг 17-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчисига айланди-қолди. Ҳатто 1999 йил сентябридан 2001 йилнинг январ ойига қадар давлатнинг 167403 сўм маблағини маош сифатида олишга ҳам улгурди.

Денов педагогика билим юрти ёнидан «нотаниш одам»дан 75000 сўмга сотиб олинган «диплом» сохибаси Муқаддам Абдуназарованинг омади унча чопмади. Сохта ҳужжат билан шу тумандаги 41-ўрта таълим мактабида 2000 йилнинг сентябр-ноябр ойларида қисқа муддат ишлади, холос.

Хўш, бу фаолият прокуратура аралашуви билан тўхтатилмаганда, нима бўлар эди? Бундай нохуш ҳолатлар таълим тўғрисидаги давлат дастурининг бажарилишига тўсиқ бўлмайди, ёшларни эртанги кунининг етук, билимли, доно ва олижаноб кишилари этиб тарбиялашдек эзгу ишимизга салбий таъсир этмайди, деб ким кафолат бера олади? Ажабо, ана шу вазифага бош мутасадди бўлган туман халқ таълими бўлими ўқитувчи ва тарбиячиларнинг сифат кўрсаткичларига, уларнинг билим, малака ва кўникмаларини ўрганишга нега панжа орасидан қараб келди?! Иш берувчи сифатида иш бажарувчининг қаерда, қачон, қандай таҳсил олгани билан қизиқмади?

Шу ўринда яна бир ўринли савол туғилади. Нима учун барча қалбаки дипломларда Денов педагогика билим юрти номи қайд қилиниб, барчасида бир хил — меҳнат фани ўқитувчиси дейилган? Бу ўз-ўзидан сохта дипломлар фақат Қизириқда эмас, «нотаниш кишилар» томонидан бошқа туманларга ҳам сотилиб халқ таълимига бошқа фирибгарлар ҳам кириб қолишига сабаб бўлмадимикин, деган шубҳа уйғотади кишида.

Айтинг, айтинг, сохта дипломлар болалаб кетмаган бўлсин-да.

Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН-ГЕРМАНИЯ:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Боши 1-бетда)

оламининг етакчи вакиллари билан учрашди. Бу тадбир Германия иқтисодиёти шарқий қўмитаси томонидан ташкил этилди. Бу қўмита Шарқ мамлакатлари билан иқтисодий муносабатларни мувофиқлаштириш билан шуғулланади. Учрашувда Президентимиз йиғилганларга Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти, хомашё заҳиралари, улардан фойдаланиш имкониятлари тўғрисида гапириб берди.

Ўзбекистонда мавжуд минерал хомашё заҳиралари, америкалик экспертларнинг ҳисоб-китобига қараганда, 3,3 триллион АҚШ долларни ташкил этади. Ислом Каримов немис ишбилармонларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, тўқимачилик, кимё ва тоғ-кон саноати, коммуникация тармоғи бўйича ҳамкорлик қилишни таклиф этди.

- Бугун бироита немис фирма ёки компанияси Ўзбекистоннинг ўз зиммасига олган мажбуриятини бажармагани, ўзаро ҳисоб-китобларда ноқобиллик қилгани тўғрисида эътироз билдира олмайди, - деди давлатимиз раҳбари. - Минтақамиздаги баъзи мамлакатларда бундай келишмовчиликлар юз берганини яхши биламиз. Шу сабабли фахр билан айта оламанки, бирор хорижий компанияни, айниқса, ўзимизнинг ишончли ҳамкоримиз деб билганларни ҳеч қачон ноқулай ҳолда қолдирмаганмиз, қолдирмаймиз ҳам.

Шу ўринда эътиборга сазовор бир воқеани эсламай бўлмайди. Ислом Каримов билан мулоқот бошида немис ишбилармонлари ўзбекистонлик талабалар учун иккита стипендия жорий этишларини маълум қилди. Аммо учрашув давомида Президентимизнинг самимий мулоқотга киришиб кетгани, ишбилармонларда ўзига, мамлакатимизга бўлган ишончни янада оширишга эришгани сабабли бу стипендиялар сони ўнтага етди. Бундай ҳолни Саксониядаги учрашувда ҳам кузатдик. Дастлаб иккита бўлган стипендиялар сони мулоқот охиригача 15 тага бориб қолди. Бу, биринчидан, давлатимиз раҳбарининг самимий суҳбати дарҳол амалий натижа берганидан даракдир. Иккинчидан, шу кичкина, бир қарашда арзимасдек туюлган мисоллар орқали немис ишбилармонларининг Ўзбекистонга ишончи янада мустаҳкамланган, бу эса келажакда иқтисодиётимизга катта ҳажмда сармоя киритилиши учун замин яратганини кўрсатади. Қолаверса, энди Германияда таълим оладиган ўзбек ёшларининг сони янада ошади.

Давлатимиз раҳбари Саксония федерал ерига бежиз ташриф буюрмади. Саксония Ўзбекистон билан Германия савдо-сотиғида муҳим ўрин тутади. Яъни, бу алоқаларда 30-35 фоиз улуш айнан мазкур федерал ер ҳиссасига тўғри келади.

1990 йилда икки немис давлати бирлашгандан сўнг янги федерал ерлар ташкил этилди. Саксония шулардан бири ҳисобланади. Унинг аҳолиси 4,7 миллион киши, майдони эса 18,338 квадрат километрдир. Саксония янги ерлар орасида саноатлаштириш даражаси энг юқорилиги билан ажралиб туради. Федерал ер маркази Дрезден шаҳри ниҳоятда гўзаллиги учун «Элба бўйидаги Флоренция», «Барокко маржони» каби таърифларига сазовор бўлган.

Илгари хабар берганимиздек, Ислом Каримов «Сименс» гуруҳининг «Инфинеон текноложис Дрезден» тармоқ корхонаси билан танишди. Бу ерда, асосан, компютерлар, принтерлар ва бошқа замонавий ускуналар учун чиплар ишлаб чиқарилади. Таъкидлаш жоиз, дунёда, бу ердагидан ташқари, фақат «Майкрософт» ва «Самсунг» корпорацияларигина шундай юксак технология маҳсулоти ишлаб чиқаради.

- Бу ерга томоша учун, ҳайратланиш учун келганимиз йўқ, -деди Президент. - Мақсад бу корхона маҳсулотини Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, компаниянинг юқори технологиясини юртимизга киритишдир.

Давлатимиз раҳбарининг айтишича, бизда бундай маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш нисбатан осон кечади. Чунки Ўзбекистонда бу борада керакли мутахассислар тайёрловчи махсус олий ўқув юртлари бор.

Германияга ташриф давомида ўн тўртта ҳужжат имзоланди. Улар молия, сайёҳлик, фан-техника, наркотиклар контрабандасига қарши кураш каби соҳалар бўйича ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришни назарда тутади. Ҳужжатлар орасида, айниқса, сайёҳлик соҳаси бўйича имзоланган ҳужжатлар анчагина. Улар Ўзбекистонга сайёҳлар оқимининг кўпайишида, соҳа бўйича немисларда тўпланган тажрибани ўрганишда жуда қўл келади. Молиявий ҳамкорлик соҳасидаги бир неча келишув эса кредитлар олиш, турли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради.

Сўнгги юз йилдан ортиқроқ вақт ичида Ўзбекистон иккинчи уйғониш даврини бошидан кечирмоқда. XIX аср охири - XX аср бошларида жадидлар ўзбек ёшларини хорижда, жумладан, Германияда ўқитишга ва маърифатини оширишга уринган эди. Аждодларимизнинг бу саъй-ҳаракати чор мустамлакаси зулмидан эзилаётган халқнинг қаддини тиклашга бўлган улкан интилиш эди.

Истиқлол эса халқимиз тарихидаги янги уйғониш даврини бошлаб берди. Бироқ бу гал биз мустақиллик берган имконият ўлароқ миллатимиз қаддини тиклаш, юртимизни жаҳоннинг ривожланган давлатлари сафидан жой олиши учун жуда кенг кўламдаги ишларни амалга оширяпмиз. Улар сиёсий, ижтимоий, маданий, иқтисодий, қўйингки, ҳаётдаги барча соҳаларни қамраб олган. Биз дунёнинг кўплаб ривожланган давлатлари қатори Германия билан ҳам муносабатларимизни юксак поғоналарга кўтаришга ҳаракат қиляпмиз. Ислом Каримовнинг Германия Федератив Республикасига мазкур учинчи ташрифи эса ўзаро ҳамкорликнинг янги босқичи бошланаётганидан далолат беради.

Анвар КАРИМОВ,
ЎзА махсус мухбири
Тошкент-Берлин-
Дрезден-Тошкент

Ижтимоий ҳимоя

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир фуқаро ҳуқуқини ҳимоя қилиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш барча тоифадаги раҳбарларнинг асосий бурчидир. Меҳр-оқибат, мурувват бўлган жамоада ютуқлар кўпаяверади.

КОРХОНА ЁНИДА

санаторий-профилакторий

Буни корхонамиз мисолида ҳам кўриш мумкин. 535 нафар касаба уюшмаси аъзоси фаолият кўрсатаётган катта иноқ жамоада шартномавий режалар ҳамиша ошириб бажарилаётир.

Муваффақиятларимизнинг бош омили одамларга ғамхўрликни кучайтирганлигимиздир. Ишчилар, инженер-техник ходимларнинг унумли меҳнат қилишлари, кўнгилли дам олишлари учун ҳамма шароит яратилган. Масалан, завод қошида 50 ўринли санаторий-профилакторий ишлаб турибди. Малакали врач Қосим Мирзаев раҳбарлик қилаётган бу стационарда ҳар йили 300, кундузги бўлимида 350 дан зиёд ишчи-хизматчи даволаниб, саломатлигини тиклайди. Шифо маскани-да юрак, ошқозон-ичак, буйрак касалликлари билан оғриганлар даволанишади. 10 дан ортиқ олий ва ўрта махсус маълумотли тиббиёт ходимлари пахта тозаловчиларга сидқидилдан хизмат кўрсатмоқдалар.

Ўтган йили профилакторийни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш учун 5,5 миллион сўм сарфланган эди, бу йилга 12,5 миллион сўм маблағ ажратилган. Шундан ярим миллион сўмига дори-дармонлар олинади.

Корхона ҳисобидаги «Камалак» болалар боғчасида 110 нафар кичкинтой тарбияланмоқда. Боғча мудираси Дилбар Маҳмадалиеванинг ҳикоя қилишича, тайёрлов гуруҳидаги 45 нафар ширинтой инглиз тилини ўрганмоқда. Чет тили мутахассиси Норгул Аҳмедовага иш ҳақини завод тўлайди. Бундан ташқари, боғчада тарбияланаётган ишчи-хизматчиларнинг болалари учун аъзолик бадалларининг тенг ярми корхона ҳисобидан қопланмоқда. Бу йилига 1,5-2 миллион сўмни ташкил этади. Завод ёрдамчи хўжалигидан гўшт, сут, сабзавот, мева-чева маҳсулотлари тарбияланувчиларга текин берилмоқда.

«Камалак» тарбиячилари Фания Ахмедшина ва Каромат Шойимовалар раҳбарлигида тайёрланган ўйинчоқлар вилоят кўрик-танловида бош совринга муносиб кўрилди.

Касаба уюшмаси ва маъмурият билан тузилган жамоа шартномасининг бажарилиши доимий эътиборда. Унга биноан ўтган йили ишчи-хизматчилардан 36 киши санаторий ва курортларга, 100 нафар ўғил-қиз махсус сиҳатгоҳларга юборилди. 200 дан ортиқ ишчи-хизматчи учун Самарқанд, Бухоро, Хива, Урганч каби тарихий шаҳарларга саёҳат уюштирилди.

Корхона қошида 200 ўринли чойхона, савдо дўкони, ҳаммом, «Ёшлик» болалар боғи, 300 ўринли клуб ишлаб турибди. Замонавий услубда қурилган «Бахт уйи»дан севишганлар қадами узилмайди.

Яқинда 20 нафар кам даромадли оиланинг фарзандларига суннат тўйи қилиб берилди. 13 нафар уруш қатнашчиси ва меҳнат ногирони маъмурият ҳамда касаба уюшмасининг мунтазам моддий ёрдамидан миннатдор.

Ўтган йил якунларига кўра, пешқадам ишчиларга 3 миллион 623 минг сўм мукофот пули тарқатилди. Ундан ташқари, 1 тонна гуруч, 1 тонна пахта мойи ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари арзон нархда улашилди. 700 минг сўм маблағ жисмоний тарбия ва спорт ишларига ажратилди. Корхонамизнинг «Оқ олтин» футбол жамоаси туман биринчилигида пешқадамликни қўлдан бермай келаяпти.

Сув билан ер, меҳр билан эл кўкарар, дейдилар. Буни корхонамиз ҳаёти, эришилаётган натижалар яққол кўрсатиб турибди.

Ш.ИСЛОМОВ,
Яккабоғ туманидаги
«Оқ олтин» пахта
тозалаш очиқ
турдаги ҳиссадорлик
жамияти касаба
уюшма қўмитаси
раиси.

КЕКСАЛАР ЭЪЗОЗДА

Ховоснинг бетакрор сўлим табиати, мўътадил иқлими бор. Ривоят қилишларича, бир подшоҳнинг гўзал қизи оғир дардга чалиниб, етти иқлим табиблари ҳам унинг дардига даво топишолмабди. Ғам-андуҳга тўлган шоҳ бемор қизини олиб йўлга тушади. Кўп ўлкаларни кезади.

Карвон ҳозирги Ховос қўрғонидан ўтаётган бир чоғда ҳушсиз малика кўзини очиб тилга киради: «Отажон, бир пас тўхтайлик. Бу ерда ажиб бир ҳавони ҳис қилаяпман» дейди. Подшо амри билан карвон шу жойга қўнади. Малика тезда соғайиб бу ўлкани ўзига макон тутган экан. Афсоналар-ку ўз йўлига. Аммо Сир воҳасида ховосликлар энг узоқ умр кўрувчилар ҳисобланишади. Билмадик, бу ўлка табиатида қандайдир сиру-синоат бордек.


Ховосда асримиз тенгдоши бўлган нуронийлар кўп. Туманнинг Қайирма қишлоғида яшовчи табаррук онахон Холбуви Жомирзаева 105 ёшни қаршилаган. «Соҳибкор» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Зайнабхон ая Тошбоева ҳамда «Навбаҳор»лик Умри ая Жўраевалар эса юздан ошди. Табаррук кекса онахонлар ҳали ҳам бардам. Аср суронлари, долғали даврни ва ниҳоят энди истиқлол нашидасини сураётган бу нуронийлар бахтдан масрур. Энг муҳими улар қалб ардоғида.

- Оталаримиз, умр йўлдошларимиз борар манзилимизни, юрар йўлларимизни англайолмай ўтди. Чунки улар яшаган давр сўнгсиз зулмат, эътиқоду-иймондан адаштирувчи келажакни мадҳ этганди, - дейди нуроний онахон Зайнаб ая Тошбоева. - Оллоҳнинг инояти ила ҳурликка, юрт истиқлолига эришганимизни кўриш бизларга насиб этди. Ортимизда қоладиган фарзанду-набираларимизни бахтдан айирмасин.

Кексалар фахр, ифтихор деб қаралади. Улар истиқболига шошилмайдиган кун йўқ. Наврўз кунлари уларга қиммат-баҳо совға-саломлар улашилди. Оналар дуога қўл очиб озод ва обод юртга омонлик тилади.

Меҳр-саховатнинг эрта кечи йўқ. Шу билан бир қаторда тумандаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган хонадонлар, ногиронлар ҳам хайру эҳсондан четда қолмади.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.



«Наманганнон» корхонасида 63 хилдаги нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Кейинги бир йил мобайнида корхонада маҳсулот тайёрлаш унумдорлиги анча кўпайди.

Ишни тўғри ташкил этиш ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялашни яхши йўлга қўйилишига асос бўлмоқда. Чунончи, биринчи чоракда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баравар кўп маблағ сарфланди. Корхона раҳбарияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси саъй-ҳаракати билан меҳнаткашлар фарзандлари шаҳардаги «Паҳлавон» мажмуида ўзлари севган спорт турлари билан шуғулланишлари учун имконият яратиб берилган.

Суратларда: корхона ҳаётидан лавҳалар.





И. ҲАСАНОВ
олган суратлар

Бор бўл, оқибат

Опа бир пайтлар катта тадбиркор бўлишни ҳаёлига ҳам келтирмагандир, эҳтимол. Асли касби ҳамширалик бўлган Маҳкамтош Содиқова дастлаб майда-чуйда олди-сотди билан машғул бўлди. Бироз сармоя тўплагач, дўкон очди. Сўнгра «Искандар» фирмасини ташкил қилди. Пастдарғом туманининг ўзида бир неча ихтисослашган хусусий бозорлар фаолиятини йўлга қўйди. Ҳозир «Искандар» фирмасига қарашли кичик корхоналарда жами 300 нафардан зиёд одам ишлайди.

ХУСУСИЙ «САХОВАТ» УЙИ

Бой-бадавлат, тадбиркор одамнинг қўли очиқ бўлиши керак, деб ҳисоблайди Маҳкамтош опа. Шунинг учун «Искандар» фирмаси ҳисобидан Пастдарғом туманидаги 55-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг 36 нафарига кийим-кечак ҳадя қилинди, 8 нафарининг суннат тўйи ўтказилди. Жума шаҳридаги боғча-гимназия янги биносининг томи ёпиб берилди. Бундай мисолларни анчагина келтириш мумкин.

— Менинг 100 ёшдан ошган онам бор, ўзим билан бирга яшайдилар, — дейди пастдарғомлик тадбиркор М.Содиқова. — Кекса киши парваришга муҳтож бўлар экан. Онам туфайли бошқа қарияларга ғамхўрлик қилиш фикри туғилди. Шунинг учун хусусий «Саховат» уйини очишга қатъий жазм қилдим.

Туман марказий шифохонаси яқинидаги 50 ўринли мазкур маскан иш бошлаганига бир ойдан ошди. Ҳозир бу ерда 15 нафар қария ва ногирон яшаяпти. Улар асосан Пастдарғом ва Нуробод туманларидан келишган. Ижтимоий ҳимояга муҳтож бу кишилар уч маҳал иссиқ овқат ва дори-дармонлар билан таъминланган. Мазкур саховат масканидан қўним топган О.Бобоқулов, Т.Қаюмова, О.Файзиев, Н.Шарипова каби қария ва ногиронлар билан суҳбатлашганимизда улар бу ернинг шароитидан, муолажасидан мамнун эканликларини изҳор қилишди. Чиндан ҳам хоналар шарқона услубда, замонавий андозаларда жиҳозланган. Тиббиёт ходимлари ширинсўз, меҳрибон.

Опанинг режалари кўп. Кичик заводни ишга тушириш, меҳмонхона қуриш, маиший хизматни яхшилаш, сервис хизматини ривожлантириш шулар жумласидан. Саховатпеша тадбиркор М.Содиқованинг бир гапи айниқса маъқул бўлди: - халққа яхшилик қилиб, яхши ном қолдиришдан ортиқ савоб бўлмайди.

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.

Касаба уюшма тадбирлари

КАРАМИ КЕНГЛИК ЎЗБЕГИМГА ХОС

Саховат кўрсатиш, мурувват қилиш, карами кенглик халқимизнинг азалий ва абадий аъмолига айланган. Ҳазрат Навоий сўзлари билан айтганда, бир ўксик дилни шод айламак, Каъбани обод этмакдан ҳам устунроқдир. Айниқса, олтинранг қанотларида эзгулик уруғларини олиб келган Наврўзи олам тадбирлари давом этаётган шу кунларда саховатли кишиларнинг сахийлигидан, қалби эзгуликка эш одамларимизнинг мурувватидан диллар шодумон бўлмоқда.

Бундай кенг кўламли тадбирларда муносиб иштирок этаётган Тошкент вилояти касаба уюшмалари Кенгаши ҳам бир қатор ҳомийлик ишларини амалга оширди. Аввалambор, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда вилоят ҳокимлигининг тегишли қарорларини амалга ошира бориб, Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни муносиб ўтказиш борасида тадбирлар ишлаб чиқилди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, касаба уюшмалари ташкилотлари юртимизда ўтказилаётган барча тадбирлар қатори «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги»да ҳам яхши иштирок этишди. Улар ўз корхона, ташкилот, хўжалик, ўқув муассасаларида кўчалар, хиёбонлар, қабристонларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида ҳашарлар уюштирдилар. Вилоят касаба уюшмалари томонидан ўтказилган жами 1487 та ана шундай тадбирларда 137 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар, гузар ва кўчаларни ободонлаштириш учун 1 миллион 503 минг сўм маблағ сарфланди.

Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, Меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлар тарбияланувчиларига моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳам бир қатор хайрли ишларни амалга оширдилар. Жумладан, вилоятдаги мавжуд 15 та Меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлари тарбияланувчиларига кийим-кечаклар, ётоқхона анжомлари, спорт ва маданий буюмлар топширилди. Наврўз совғаларини вилоят Кенгашининг масъул ходимлари, тармоқ касаба уюшма вилоят қўмиталарининг раисларидан иборат гуруҳ ўз эгаларига тақдим этди.

Тармоқ касаба уюшмалари вилоят қўмиталари ҳам Наврўз байрами муносабати билан ўзларининг хайрия тадбирларини ўтказдилар. Улар болалар уйлари, ҳарбий қисмлар ҳамда чегара қўшинлари қисмларида бўлишиб, байрамларнинг энг севимлиси ва қадрлиси бўлган Наврўз шодиёналарида иштирок этдилар.

Шуниси диққатга сазоворки, кам таъминланган, қаровчисини йўқотган 3 минг 495 оилага ва ёлғиз қарияларга 2 миллион 630 минг сўмлик хайрия ёрдамлари берилди. 5 минг 910 нафар одамга эса хўжалик ва идоралар томонидан 5 миллион 210 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларда тарбияланаётган 3029 нафар болага касаба уюшмалари томонидан жами 1 миллион 910 минг сўмлик, ташкилот, корхона, муассаса ва ўқув юртлари маъмуриятлари томонидан 945 нафар етим болага ҳамда махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчиларига 650 минг сўмлик мурувват кўрсатилди.

Вилоят касаба уюшмалари томонидан Бўкадаги 15-Меҳрибонлик уйининг 130 нафар ҳамда Чирчиқ шаҳридаги 14-Меҳрибонлик уйининг 68 нафар тарбияланувчисига Наврўз байрами муносабати билан 378,3 минг сўмлик кийим-кечаклар, спорт ва маданий буюмлар совға қилинди.

Шу билан бир қаторда тармоқ касаба уюшмалари туман, шаҳар қўмиталари, бошланғич ташкилотлар ўз ҳудудларида ўтказилган 300 дан ортиқ хайрия тадбирлари, байрамлар, спорт мусобақалари, шанбалик ва ҳашарларда фаол иштирок этдилар. Шунингдек, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногирон ва бетоб бўлиб ётган фуқароларни бориб кўриш, уларга байрам совғалари топшириш ишлари уюшқоқлик билан ташкил қилинди. Вилоят касаба уюшмалари Кенгашига қарашли ташкилотларда шу кунларда ҳам Наврўз тантаналари давом этмоқда.

Муҳайё ТЎЛАГАНОВА,
Тошкент вилояти касаба
уюшмалари Кенгаши
раиси.

БОЛАЛАРГА ЎҚУВ ҚУРОЛЛАРИ

Кейинги пайтларда Тошкент шаҳар кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси кўплаб хайрли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, яқинда қўмита томонидан пойтахтнинг кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг 31 нафар фарзандига жами 310 минг сўмлик дарслик ҳамда бошқа ўқув қуроллари совға қилинди. Бу қўмитанинг Оналар ва болалар йили дастури асосида бажарилган ишнинг бири холос.

Ғ.ЮСУПОВ.

БИЗКИМ МУЛКИ ТУРОН, АМИРИ ТУРКИСТОНИЗ

Халқимиз, айниқса, ёш авлод Амир Темурнинг болалик, ўсмирлик ва ёшлик йиллари ҳақида кўпроқ билишлари лозим. Боиси, Соҳибқирон айнан ёшлик йилларида эл-юрт нима, тирикликдан мақсад не?, - деган ўта муҳим саволларга жавоб топган ва улардан маънавий сабоқ олиб, оқу қорани жуда эрта таниган.

МЕЗБОН БАШОРАТИ


У 1336 йил 9 апрел куни таваллуд топган. Низомиддин Шомий, Али Яздийнинг «Зафарнома»ларида Соҳибқироннинг болалиги ҳақида баъзи маълумотлар учрайди. В.В.Бартольд, А.Ю.Якубовский, Т.Н.Грановский, Б.Аҳмедов, А.Аҳмедов, Т.Файзиев асарларида Амир Темурнинг хижрий 736 сичқон йили шаъбон ойининг 25 кунида (1336 йил 9 апрел) Кеш шаҳридан ўн чақирим (тахминан 13 км) бўлган Хўжаилғор қишлоғида таваллуд топгани айтилади. Лекин уларнинг Ибн Арабшоҳ хулосаларига асосланганини таъкидлаш жоиздир. Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темурнома» асаридаги ривоятда эса Такина моҳ бегим Муҳаммад Тарағайнинг иккинчи хотини — кундошининг найранги билан Кешдан Бухорога йўл олганда, йўлда кўзи ёриганини эътиборга олсак, бунда, ҳақиқат бордек кўринади. Аммо Темур тўғрисидаги барча ҳикоят-ривоятлар хусусида асосли хулосалар билдирилгандагина улар қимматли ҳисобланади. Шундай экан, ҳали тадқиқодчилар олдида аниқланиши зарур бўлган жумбоқлар жуда кўп. Энди Темурнинг болалиги, ёшлик даврига келсак, бу тўғрида ғоят қизиқарли, шу билан бирга қарамақарши, ҳатто бир-бирини инкор этувчи, баъзан Соҳибқиронни атайин ёмон отлиқ қилувчи фикрлар, ҳикоят-ривоятлар ҳам йўқ эмас. Бир ривоятга кўра, Амир Темур таваллуд топган кунда Ҳисор тоғлари қаттиқ силкиниб, даҳшатли бўрон турган ва ҳатто бинолар қулаган эмиш. Донолар бу воқеани шарҳлаб, мамлакатга ҳукмронлик қилувчи шарофатли бир зот дунёга келганини башорат қилган эканлар. Ибн Арабшоҳ ёзишича, Темур туғилган кечаси ҳавода темир қалпоқчага ўхшаш қандайдир бир учар ликопча пайдо бўлган-у, кенг бўшлиққа тарқалиб, ер юзига ёйилиб кетган эмиш. Атрофга чўғ ва учқунлар сачраб, чўлу-саҳроларни тўлдириб юборган эмиш.

Темурнинг отаси Муҳаммад Тарағай Марказий Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта нуфузга эга бўлган барлос қавмидан чиққан обрўли беклардан бири бўлиб, Чиғатой хонларидан Қозонхон (1338-1346) лашкарида хизмат қиларди. Онаси Такина бегим наслу насаб жиҳатдан аслзодалардан бўлиб, бухоролик машҳур фақиҳ Тож аш-шариа таҳаллуси билан танилган Убайдулла ибн Масъуднинг авлоди эди. У жаҳонга ҳукмдор бўладиган фарзанд кўриши ҳақида биринчи бўлиб авлиё шайх Кулолдан эшитган эди. Ўғлининг илм олишига жуда катта эътибор беради. Темурбек тўққиз ёшга тўлганда, Кешдаги барча уламо ва фозилларни чақириб, имтиҳон қилишларини сўради. Синовда Темурбек ҳаммани ҳайратда қолдиради. Унинг илми ва донолигидан мамнун бўлган улуғлар Темурбек номига Ҳофиз унвонини қўшиб берадилар. Ваҳоланки, айрим зотлар бир умр илм олиб, шарафли бу номга сазовор бўлишолмайди.

Амир Темур бунчалик илмни қаердан олди, деган саволга Кешдаги мадрасаларда ёш толибларнинг билим олишлари учун етарли шарт-шароитлар мавжуд бўлганлигини айтиш кифоя. Мадраса ва толиблар вақф жамғармаси маблағидан таъминланар эдилар. Бу эса ўқув услубларини такомиллаштиришга ҳам катта ёрдам берар эди.

Тўққиз ёшли Темурбек Қуръони каримни ёд олган, беш вақт намозни канда қилмайдиган, мактабдаги барча ўқувчиларга бошлиқ бўлган обрўли ўсмир эди. Аслида унинг саводини чиқаришга анча олдин киришган эдилар. Бунинг ҳаққонийлигини қадимги удумлар ҳам тасдиқлайди. Эрамизнинг 605-617 йилларида Самарқандда бўлган Хитой сайёҳи Вей Цзеннинг шоҳидлик беришича, туркийларда ўғил болаларга беш ёшга тўлганидан бошлаб, савод ва ҳисоб ишлари ўргатилган. 20 ёшга етганларида савдо-сотиқ учун чет элларга юборилган. Мадрасага келган талаба сўзлар жадвалининг фарқига бориши, ўқий бошлаши, сабоқдошларига бош бўлишитадан қулнинг амири қил. Кейин етмиш қулга бўлган еттита қулни бир-бирининг таъзим ва ташрифига буюр. Уларни кўздан қочирма, чунки бир-бирлари билан кўп суҳбатлашмасинлар». Мезбон ҳайратда қолиб Муҳаммад Тарағайга боқди. «...Сенинг бу фарзандинг жаҳонга ҳукмрон бўлади, буни унинг гапларидан фаҳмлаб турибман», - деди.

Амир Темур ўша давр учун олий ўқув юрти ҳисобланмиш мадрасанинг бошланғич даврини муваффақиятли тамомлагандан сўнг таҳсилни Олий маъҳадда давом эттирди. Боланинг теран фикрлаши, юксак қобилияти уламои фозилларни



нинг ўзи ҳам Темурга ана шу удум асосида таълим-тарбия берилганини исботлайди.


Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкирот уш-шуаро» асарида шундай ҳикоя қилинади:

«Соҳибқирон етти ёшлигида отаси билан бир қариндошиникига меҳмонга борди. У киши бадавлат эди. Етмиш нафар турк ва ҳинд қули бор эди. Мезбон шикоятга ўтиб деди: «Худо менга молу давлат берди, лекин уни сақлашга ожизман, фарзандларим салоҳиятсиз бўлсалар, қулларимизнинг сабру тоқатлари йўқ. Шу сабабдан молу дунёмга нуқсон етмаса, деб қўрқаман». Темурбек гапга аралашиб деди: «Эй ота, фарзандларингга молларингни бўлиб бер ва уларни ўз молу мулкига доҳил қилгинким, улар ўз-ўзлари билан овора бўлиб қолсинлар. Сўнг ҳар уч қулни бир қулнинг ихтиёрига топшир. Уларнинг ҳар бирини еттилол қолдирди. Темурбек унча-мунча талабаларни қийнаб қўядиган мураккаб масалаларни зумда ечар, унинг учун ҳар қандай вазифанинг ҳеч қандай қийинчилиги йўқ эди. Ўқиш давомида у жаҳон мамлакатларининг тарихи, Ислом таълимоти ва ҳуқуқшунослигини, ҳандаса, риёзиёт, жуғрофия ва фалакиёт илмларини пухта ўрганди. Ўн саккиз минг олам, етти фалак борлигини, тириклик бир синов эканлигини тушуниб етди. Энг муҳими, унинг маънавий олами бойиди: бир ўқиган нарсаси эсида маҳкам ўрнашиб қоларди, нафақат Қуръони каримни, араб-турк машойихларининг дурдоналарини ёд олди. Беҳад жарангдор ва ёқимли овози кишиларни ўзига ром этар, дилларга завқ-шавқ бағишларди.

Худоёр МАМАТОВ,
А.Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети катта ўқитувчиси.
(Давоми бор).

«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ»ДАН

«Раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларни оға қаторида, кичикларни фарзанд ўрнида кўрдим. Ҳар ернинг табиатини, ҳар элнинг расм-одат, йўл-йўсинларидан воқиф бўлиб турдим, ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳолисининг улуғлари ва бузурглари билан ошно бўлдим ва уларнинг мижозларига, табиатига тўғри келган, ўзлари тилаган одамларини уларга ҳоким қилиб тайинладим. Ҳар бир диёр аҳолисининг аҳволидан огоҳ бўлиб турдим. Ҳар бир мамлакатнинг аҳволини, сипоҳу раият кайфиятини, турмушларини, хулқ-атворларини, қилиш-қилмишларини, булар ўртасидаги алоқаларни ёзиб менга билдириб туриш учун диёнатли, тўғри қаламли кишилардан воқеанавислар белгиладим. Бордию нотўғри нарса ёзган бўлса, бундай воқеанависларни жазоладим. Ҳокимлар, сипоҳ ва раиятдан қайси бирининг халққа жабр-зулм қилганини эшитсам, инсоф-адолат билан дарҳол унинг чорасини кўрдим».



9 апрел — Амир Темур таваллуд топган кун

«Ҳар мамлакатнинг яхши қишиларига мен ҳам яхшилик қилдим. Пасткаш ва разил одамларга ўзларига лойиқ ишлар топширдим ҳамда ҳадларидан ошишларига йўл қўймадим. Улуғларини (акобир) ва шараф-эътиборли кишиларини (ашроф) ҳурматлаб, мартабаларини оширдим. Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим».

* * *

«Буюрдимки, йўл устига кузатувчилар, зобитлар тайинласинларки, йўлларни қўриқлаб, ўтқинчилар, савдогарлар, мусофирларни кузатиб, мол-мулки ва бошқа нарсаларини манзилдан-манзилга етказиб қўйсинлар. Йўл устида бирортасининг нарсаси йўқолса, ўзи ўлдирилса ёки бошқа кор-ҳол юз берса, булар учун жавоб бериш уларнинг зиммасида бўлсин».

ЖАСОРАТ

Асрлар оша шаклланиб келган Миллий онг ва Миллий ғурур мустақиллигимизнинг олтин пойдеворидир. Бу пойдеворда академик Иброҳим Мўминовнинг ҳам қўл излари бор. Албатта, коммунистик мафкура ҳукмронлик қилган даврда Шарқона фалсафий фикрлари, ўзбек фани ва адабиётини, маънавий меросини ўрганиш, уларга илмий муносабат билдириш осон иш эмас эди. Иброҳим Мўминов эса ана шундай оғир ва қалтис даврда жасорат кўрсатди, маданиятимиз дурдоналарини сабот билан ўрганиб, унинг аҳамиятини халққа етказди.

Заҳматкаш олимимиз Амир Темур йирик давлат арбоби эканлигини биринчи бўлиб баралла айта олди. Ва ҳазрат Темурга нисбатан ҳар қандай бўҳтону салбий қарашларга зарба берди. Тарихий далиллар, манбаларга таянган ҳолда соҳибқироннинг буюк хизматларини, адолатпеша ва халқпарварлигини исбот қилишга ҳаракат қилди. «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» номли рисоласини ёзиб, бу эзгу ишнинг уддасидан чиқди.

Мана, Истиқлол шарофати, Йўлбошчимизнинг доно сиёсати туфайли Амир Темур яна юртдошларимизнинг фахр-ифтихорига айланди. Соҳибқирон меросини ўрганишда оламшумул ишлар қилинди. Албатта, ана шундай улуғ кунларда юксак маънавият эгаси, Амир Темур меросини биринчилардан бўлиб ҳимоя қилиб чиққан академик И.Мўминовнинг номи ҳам ҳурмат-эҳтиром ила тилга олинмоқда. Агар ҳаёт бўлганида ҳозир ундан-да бахтиёр инсон бўлмас эди.

Файзулла ИНОЯТОВ,
Шофиркон туманидаги И.Мўминов жамоа хўжалиги, меҳнат фахрийси.

ВОРИСЛИК ШУКУҲИ

Тарих саҳифаларига Амир Темур номи нафақат буюк саркарда, давлат арбоби, моҳир сиёсатчи, балки буюк давлатнинг ягона пул-молия тизимини ташкил этган иқтисодчи, ислоҳотчи сифатида ҳам олтин ҳарфлар билан битилган.

Соҳибқирон пул-молия сиёсатида асосан тўрт муҳим тамойилга амал қилган. Пул сиёсатига давлатнинг иқтисодий асосининг муҳим белгиси сифатида қаралган. Ягона пул сиёсатини ривожлантириб, бир бутун ички бозорни вужудга келтирганки, бу давлатнинг яхлитлигига асос солган.

Амир Темур ташқи савдони ривожлантиришда пулни асосий восита деб билган. Бу эса давлатнинг иқтисодий қудратини оширган.

Дарсликларда давлат бюджети XVII асрда Англия ва Францияда пайдо бўлган дейилади, ҳолбуки, Амир Темур салтанатида XIV асрдаёқ давлат бюджети мавжуд эди. Ўша даврда бюджетда нафақат тушумлар, балки чиқимлар ҳам қайд этилган. Булардан ташқари, молия йилидаги чиқимлар ва солиқлар миқдори олдиндан режалаштирилган. Буюк бобомизнинг эзгу ишлари билан ҳар қанча ғурурланса арзийди. Аммо, асосийси, унга муносиб ворис бўлишдир. Бизнинг ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислар институтимизда муносиб кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Зарипжон МУҚИМОВ,
ТИҚХМИИнинг Агроиқтисодиёт ва менежмент факультети декан муовини.

Буюк инсонлар миллатнинг руҳига, халқнинг тимсолига ўхшайди. Ул азиз зотлар бу дунёни тарк этганларида ҳам руҳлари авлодларни мардлик ва жасоратга, эрк ва озодликка ундаб тураверади.

ИНСОНИЯТ ОЛАМИДАГИ СИРЛИ МЎЪЖИЗА

«Мулки Турон, амири Туркистон» соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари ҳам миллатимиз шаънишавкатига, ғурурига айланган. Ҳаётлигидаёқ миллий доирадан чиқиб инсониятнинг ёрқин сиймосига айланди, адолатпешалиги, дину диёнати, баҳодирлиги билан етти иқлимга нур, зиё улашди. Жаҳон тарихидаги кўплаб жаҳонгирлардан фарқли ўлароқ ҳамиша адолат учун курашган, халқ осойишталиги учун қўлига қурол олган, бузмоқни эмас, ҳамиша тузмоқни ўйлаган. Умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган. Ҳазратнинг «Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўн кўчат эктирдим», деган сўзлари бу ҳақиқатнинг исботидир.

Ўзининг салобати, гўзаллиги билан пойтахтимиз ҳуснига ҳусн қўшиб турган, буюк бобокалонимизга ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида барпо этилган, зумрад рангда товланиб турган улкан гумбазли Темурийлар тарихи Давлат музейига кириб борар эканман, ҳаёлимдан юқоридаги фикрлар билан бирга соҳибқироннинг агар бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, қурган биноларимизга боқинг, деган сўзлари ўтаверади.

Амир Темур салтанатининг қудратига мос, халқимиз ақл-заковати, Шарқ меъморчилигининг гўзаллиги ва жаҳон андозаларига монанд барпо этилган ушбу кошона бугун миллатимиз маънавиятининг кўзгуси, ўтмиш билан бугунни боғловчи маънавият рамзига айланган. Бу муҳташам иншоотнинг умумий майдони беш минг квадрат метрни ташкил этади. Экспонатларни жойлаштириш учун эса 1030 квадрат метр майдон ажратилган.

Амир Темур ҳарбий санъатни илм даражасига кўтарган буюк фотих ҳамдир. Олти асрдирки, бобокалонимиз яратган ҳарбий таълим тизими қудратли давлатларда ҳурмат-эъзоз билан ўқиб-ўрганилган. Дунёни зир титратган Наполеон ҳам унинг таълимоти олдида ҳурмат бажо келтирган экан. Амир Темурнинг ана шундай шарафли ишлари учун инсоният унга олтиндан ҳайкал қўйган. Америкалик олим Эдвард Ольверд ўз асарида «Гран Темур шак-шубҳасиз тарихдаги буюк сиймо» деса, йирик француз тарихчи олими Люсьен Керен «Амир Темур — инсоният оламидаги сирли мўъжиза» деган хулосага келган.

Амир Темур дунё кишиларини эзгуликка чорлаган. Ўрта асрлардаёқ у Испания қироли Генрих III, Франция ҳукмдори Карл VI, Англия қироли Генрих IV саройларига элчи юбориб, уларнинг элчиларини Самарқандда иззат-ҳурмат билан қаршилаган. Музей экспонатлари орасидан жой олган Амир Темурнинг Франция қироли Карл VI га ёзган мактубида шундай сатрлар бор: «Сиз ўз савдогарларингизни менинг салтанатимга юборинг. Биз уларни илиқ қарши олиб, иззат-икром кўрсатамиз. Биз ҳам ўз савдогарларимизни сизнинг юртингизга йўллаймиз. Сиз ҳам уларга ҳурмат кўрсатинг, уларга ортиқча тазйиқлар қилинишига йўл қўйманг. Сизга бундан бўлак талабим йўқ. Зеро, дунё савдо аҳли билан обод бўлажак». Бугунги кун учун ҳам соҳибқироннинг бу фикрлари муҳим аҳамиятга касб этмоқда. Соҳибқироннинг қуйидаги сўзларига эътибор қилинг:

«Салтанатимнинг у четидан бу четигача бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим».

Ҳа, Амир Темурнинг ҳақ ва адолат йўли унинг халқаро майдондаги салоҳиятига асос солган. У жаҳонгир фотиҳ сифатида турли миллат ва элатларни ирқи, дини турлича одамларни бир мақсадга бўйсиндирган, уларни эзгулик атрофида бирлаштирган, ҳамжиҳатлик ва тараққиёт, тинчлик-осойишталик йўлида дунё олимлари ва одамларини, ҳунарманду донишларини бир-бирига дўст-биродар тутинтирган.

Амир Темурнинг инсоният олдидаги буюк хизматларидан бири — илм-фан ва санъатга ҳомийлиги бўлса, яна фаолиятининг ёрқин қирралари ободонлаштириш ва бунёдкорлик юмушларида акс этган. Амир Темурнинг бевосита раҳбарлигида бунёд этилган Бибихоним жоме масжиди, Гўри Амир ва Аҳмад Яссавий, Занги ота мақбаралари, Оқсарой ва Шоҳи Зиндадаги меъморий мажмуалар, бир-биридан гўзал 12 боғ ва гўзал саройлар... Эҳ-ҳе, соҳибқирон қурган бозорлар, кўприклар, йўллар, бекатлар, қалъалар, ҳаммомларнинг сон-саноғи йўқ эди. Буюк шахсларни тарих яратади, дейдилар. Миллатнинг шоншавкатини кўтариш, уни миллат сифатида дунёга



танитиш масъулияти 600 йил аввал соҳибқирон Амир Темурдек жаҳонгир фотиҳ зиммасига тушган бўлса, тарихий шарт-шароит тақозоси билан бу залворли, ўта масъулиятли иш бугун адолатпарвар Юртбошимиз Ислом Каримов зиммасига тушмоқда. Ҳазрат бобокалонимиз асос солган миллий давлатчилик таянчи, миллий бошқарув анъанаси бугун юртимизга қайтаётир.

Амина ҚОДИРОВА.

Амир Темур таваллудининг 665 йиллигини нишонлаш арафасида Темурийлар тарихи давлат музейи коллекцияси янги экспонатлар билан бойиди. Музей жамғармаси раҳбари, илмий ходим Назира Охунбобоева бу ҳақда ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

МУЗЕЙНИНГ ЯНГИ ЭКСПОНАТЛАРИ

- Бу ерда Гўри Амир мақбарасидан 1941 йилда М.Герасимов бошчилигидаги олимлар томонидан мақбара очилган пайтда олинган кийимлар намуналари илк бор намойиш этилади. Маълумки, Самарқанддаги археологик изланишлар қарийб уч йил давом этган. Топилмалар илмий тадқиқот мақсадларида узоқ йиллар Фанлар академиясининг Археология ва тарих институтида сақланиб келинган ва эндиликда улар жамоатчилик мулкига айланади.

Музейда илк бор кийим, мато, шойи белбоғ, хушбўй ўсимликлар - райҳон ва ялпиз, Қуръон оятлари ёзилган кафан, Бибихонимнинг тақинчоқлари, Мироншоҳ қабридан олинган мунчоқ намуналари, шунингдек, Бибихоним қабридан олинган арабча ёзув битилган кафан намойиш этилади.

Берлиндаги Ислом маданияти музейи директори, доктор Ф.Эндерлайннинг совғаси музейимиз жамғармасининг қимматли мулкига айланди. У Ўзбекистон Республикасининг ГФРдаги элчихонаси орқали Мирзо Улуғбекнинг/ 1394-1449/ укаси Бойсунқур Мирзога /1397-1433/ тегишли коллекциядан олинган 28 миниатюрадан иборат китобнинг нусхасини бериб юборган. Китоб саҳифаларини безаб турган ажойиб шарқона миниатюралар музейга ташриф буюрганларда алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.

Аҳмад ибн Арабшоҳнинг XYII асрда Голландияда араб тилида чоп этилган «Темур тарихи» китоби ҳам музейимизнинг янги экспонати ҳисобланади. Ушбу китоб Президент Ислом Каримовга швейцариялик коллекционер томонидан совға қилинган эди. Президентимиз китобни музейга туҳфа қилди. Китобга лотин тилида ёзилган сўзбоши ўша даврдаги европалик олимларнинг соҳибқирон ҳаётига бўлган катта қизиқишидан далолат беради.

Амир Темур 1402 йилнинг июлида султон Боязидни Анқара яқинида мағлуб этганидан сўнг Европада соҳибқирон шарафига олтин ҳайкал ўрнатилган. Европаликларнинг Усмонийлар империяси истилосидан қутқаргани учун Амир Темурга миннатдорлик рамзи ҳисобланган бу ҳайкал узоқ вақт Парижда сақланган. Темурийлар тарихи музейида ҳозир қаердалиги номаълум бўлган ушбу олтин ҳайкалнинг қадимий график тасвиридан олинган фотонусха ҳам сақланмоқда.

Янги экспонатлар орасида 1999 йил Италияда чоп этилган «1403-1406 йилларда Самарқандга саёҳат» деб номланган китоб ҳам бор. Унинг муаллифи Кастилия қиролининг соҳибқирон саройидаги элчиси Рюи Гонсалес де Клавихо ҳисобланади. У ўша пайтда тўрт ой мобайнида Трапезунддан Самарқандгача саёҳат қилган. Китобда Амир Темур ҳаёти ва унинг саройи ҳақида ноёб маълумотлар бор.

(ЎзА).

Маънавият сарчашмалари

Сахийлик, меҳр-мурувват, саховат, эҳсону карам каби сўзлар халқимиз тарихи қадар қадимийдир. Аммо бу сўзларнинг маъносини ҳаммамиз ҳам бирдек биламизми? Кимни сахий, саховатли инсон деймиз?

УЛАР ОЛАМ БЕЗАГИ

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «сахий», «саховат» сўзларига «Кишидан ёрдамини, меҳнатини, ҳеч нарсасини аямайдиган, одамларга ғамхўрлик кўрсатадиган инсонларга айтилади», дея изоҳ берилади. Минг йиллик тарихга эга «Алпомиш достонида эса «Вақтбевақт бировникига меҳмон келса, отини ушлаб.., кўнглини хушлаб жўнатса, бу одам сахийдир» дейилади.

Хўш, аслида кимни карами кенг, эҳсонга қўли очиқ, сахий дейиш мумкин. Қуйидаги мулоҳазаларимиз ана шу хусусда.

Салкам ўн беш йилдирки, Шокир ака Иброҳимов орамизда йўқ. Аммо янгийўлликлар бу саховатпеша инсонни бир зум бўлсин унутишгани йўқ. Файласуф шоир Шайхзода топиб айтган экан: «Умрлар бўладики, тиригида ўликдир, Умрлар бўладики, ўлик одам тирикдир». Иброҳим ака ҳали ҳамон янгийўллик катта-ю кичикнинг хотирасида, қалбида яшаб келаяпти...

У иккинчи жаҳон урушининг барча даҳшату ваҳшатларини бошидан кечирди. Йигирма етти жойидан ярадор бўлсада, Яратганнинг инояти билан жони омон қолди. Шунинг учунми, қолган умрини одамларга яхшилик қилишга, етимлар бошини силашга, кишилар қалбида эзгулик уруғларини қадашга бағишлади.

Урушдан кейинги тикланиш йиллари нафақат фронт чизиғида бўлган шаҳарлар, балки тўплар ҳайқириғи етиб келмаган бизнинг юртимизда ҳам оғир кечди. Гарчанд ғалаба қозонилган бўлса-да, урушдан тўкилиб чиққан халқ оч ва юпун эди. Баъзан ҳатто ойлаб ҳам қора қозони қайнамайдиган оилалар бор эди...

Урушдан олдинги касбини давом эттирган Иброҳим ака қалбига бир эзгу мақсадни тугди. Ҳар бир сўйилган молнинг калла-почасини ночор оилаларга бўлиб тарқатди. Қўл ҳақи сифатида ўзига бериладиган гўштдан шўрва қилиб, кўча куйда қолган одамларни, етим-есирларни меҳмон қилди.

Унинг хонадони меҳрибонлик уйига айланган эди. Тўсатдан бу хонадонга кириб қолган одамнинг ақли шошарди. Чунки Иброҳим ака кўчадан бошлаб келган одамлар сони йигирмадан ортар, болаларнинг ўзи эса ўн бир нафар эди. Баъзан ўзининг ўн бир нафар фарзандини ҳам қўшиб ҳисоблаганда хонадон аъзоларининг сони эллик нафарга етар эди.

Айни ғалаба куни таваллуд топган Мамлакат опа шундай хотирлайди:

— Дадамнинг кўчамизга кириб келиши ҳаммадан ҳам бизга байрам бўлиб кетарди. Қачон қайтишларини интизор бўлиб кутардик. Кўча бошидан кўринишлари билан ҳаммамиз пешвоз чиқардик. Дадам эса кимга попукканд, кимга сақич, кимга туршак улашарди. Биз ҳайрон қолардик, юз бола юзма-юз келса, барига етадиган нарса солиш учун дадамнинг чўнтаклари нечта бўлган экан...

Иброҳим акани болалиги уруш йилларига тўғри келганларгина эмас, балки бошқалар ҳам эҳтиром ила тилга олишади. Чунки туну кун меҳнат билан банд бўлган бу сахий инсон йилида икки марта катта тўй қилиб берарди. Бир бор балоғат ёшида бўлган, аммо қўли қисқалигидан турмуш қуролмай юрганлар бошини жуфт қилиб қўйса, яна бир марта маҳалла болаларини йиғиб, уларнинг суннат тўйларини ўтказиб берарди.

Буюк шоир Носир Хисрав айтганидек, саховатни пеша қилган Иброҳим акага Янгийўлда бегонанинг ўзи йўқ эди. Унинг уйидан бошпана топганлар ичида турли миллат вакиллари бор. Боқиб олган болалари ҳам ҳар хил миллатга мансуб...

Доно халқимиз «Ҳиммат беҳикмат қолмас», деб бежиз айтишмаган. Бу пурҳикмат сўзлар Иброҳим ака боқий дунёга рихлат қилган куни яна бир бор ўз исботини топди. Унинг тобутини кўтарган халойиқнинг олди қабристонга етиб борганда охири ҳали Иброҳим аканинг назаркарда хонадонидан чиқиб улгурмаган эди. Бу саховатли инсонга бўлган чексиз ҳурматини унинг кўмагидан баҳраманд бўлган янгийўлликлар ана шундай бажо келтиришганди.

Оятулло РАҚИБОВ.

ЖАЙРОНЛАР ЯНА КЎПАЯДИ

2001 йил ўрталарига бориб Бухоро жайронлари сони 1200 бошдан ошади.

— Бу жониворларсиз мен табиатнинг гўзаллигини тасаввуримга сиғдиролмайман, — деди Бухоро қўриқхонасининг ходими Жуманазар Ҳусанов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Ҳозир жайронлар сони минг бошга етди. Апрел ойининг охирларидан бошлаб, улар болалай бошлайди. Бунга шароит етарли. Жайронлардан ташқари қўриқхонамизда пржевалск отлари ҳам боқилмоқда. Уларни қўлга ўргатиш бизга катта даромад келтиради. Масалан, тўртта йилқини ўтган йили Сурхондарё ва Тошкентдаги ҳайвонот боғларига етказиб бердик. 18 қулонимиз ҳам ҳадемай кўпаяди. Уларни Устюртдан келтиргандик, бизнинг шароитимизга тез мослашди.

Дарҳақиқат, қўриқхонадаги жониворлару ҳамда 547 турдаги қушлар кундан-кунга кўпайиб бораяпти. Бу ерларда яшашу ишлаш айримлар ўйлагандек осон иш эмас. Гоҳида уйқудан кечиш, қир-адирларда 40-50 километрлаб йўл босишга тўғри келади. Бошқача айтганда, машаққатига чидаганларгина, табиат гўзаллигидан баҳра олади.



Санъат аҳли доимо ардоғда. Айниқса, қизиқчиларнинг чиқишларини алоҳида эътибор билан қаршилаймиз. Ўзбекнинг ўзидан ҳам сўзи қизиқ, деган ибора бекорга пайдо бўлмаган, ахир.

Машҳур бир қизиқчи «Мен халқдан олиб халққа қайтариб бераман холос» деган эди. Шундай экан, тингловчи-ю томошабинларни кулдириш учун ҳам катта маҳорат талаб этилади. «Ҳандалак» тележурнали ва «Марду-майдон» кўрсатувларининг ижодкорлари, «Қизиқчи-97» танловининг ғолиблари Ортиқ Султонов ва Зокир Очилдиевларга кўзингиз тушиши билан юзингизда табассум пайдо бўлади. Сабаби оддий: улар қисқа давр мобайнида ўзларининг чиқишлари билан халқнинг меҳрини қозонди.

Яқинда Ортиқ Султонов ва Зокир Очилдиевлар Жиззах вилояти меҳнаткашлари ҳузурида бўлиб ўзларининг ичакузди ҳангомалари билан барчани хушнуд этишди.

Суратда: «Ҳандалак»чилар бир гуруҳ мухлислари орасида.

Раҳимбек ШАРИФЗОДА олган сурат.



КЎКЁЛНИНГ СЎНГГИ ТУНИ

воқеий ҳикоя

Эллигинчи йилларда қишлоғимизга туташ Шўртепа дашти қамишзор, юлғунзордан иборат эди. Хўжалик иқтисоди ночор бўлганидан тирикчиликнинг мазаси йўқ, қизиқишдан эмас, зарурратдан овчилик қилардим. Ўша кезларда чўл ичкарисидаги қўй фермасида бўри оралаяпти, деган гап тарқалди. Бу рост бўлиб чиқди. Бир сафар даладан қайтсам, идорадан йўқлаётганликларини айтишди. Борсам қўлига милтиқ тутишни уддалайдиган икки тенгдошим ҳам ўтиришибди. Раис жанггоҳдан ўнг қўлидан айрилиб қайтган беозор инсон эди.

— Укалар, кўмакларинг зарур, - деди дарҳол асосий мавзуга кўчиб. - Йиртқич тинчлик бермай қўйди. Бир ҳафтанинг ўзида етти бош жониворни тинчитди. Қўйиб берсак, бир-икки ойда бутун бир фермани бошига етади. Бўрини отганга битта қўчқор мукофот. Ҳозирнинг ўзида милтиқларингизни олиб тўғри Содиқ чўпон ўтовига борасизлар. Бечора ёлғиз ўзи қашқирни эплай олмаяпти.

Содиқ қотма, чайир одам. Меҳнатининг зўрлигиданми, қўлларининг кафти ҳам қотиб кетган, мисоли тошдай.

— Ёлғизлик қилиб қолягпман, - деди раиснинг гапларини қайтариб, алам билан тишларини гижирлатаркан у. — Иккала ёрдамчим ҳам она сути оғизларидан кетмаган гўдак. Қашқирнинг номини эшитгандаёқ сичқоннинг инини минг тангага олишади. Бугун бир хумордан чиқайлик.

Қоронғи тушмасданоқ, қўра атрофидан белгилаб чиққан жойларимизни эгалладик. Чўлда кеч тез тушади. Борлиқни бир зумда зулмат қоплади. Бурнингни биров чимдиб кетса ҳам сезмайсан. Жамики тирик зот пинакка кетгандек. Аммо бу алдоқчи ҳиссиёт эканлигини биламан. Табиатда шунақа кучлар борки, тун сукунати орасида кўпларни «чув» туширib кетади.

Ярим тунда қўра ичкариси безовталанди. Демак бўри яқинлашяпти. Буни қўйлар табиат ато этган ички туйғулари билан сезишади. Бироқ, у қаерда, қайси йўналишдан келяпти? Милтиқ қўндоғини тутган қўлим терга ботди.

Тўсатдан киши бўйидан ҳам баландроқ қўра девори устида кўринган кўланка ичкарига гупиллаб тушди. Осмонга қарата отилган ўқ тун пардасини йиртгандек бўлди. Не қиларимни билмасдан аланглаб турганимда анча наридан яна гупиллаган шарпа келди. Мен ҳам беихтиёр милтиқни бўшатдим. Югур-югур, чопа-чоп бошланди. Итлар жон-жаҳдлари билан акиллашга тушди.

— Тағин олиб қочибди насибасини, - Содиқ чўпоннинг йиғламсираган овозини эшитдим. - Сенлар қаёққа қарадинг? Нимага келгансанлар ахир?

Содиқнинг ўринли гапларидан кейин бўри ўлжасига одам сингари ер бағирлаб пусиб яқинлашиб келишини билиб олдим. Ҳа, хомкалла! Мен бўлсам, бор бўй-басти билан келади, деб ўйлапбман.

Эртасига ҳижолатпазликдан томоғимиздан овқат ҳам ўтмади. Уччовимиз бир-бировимизга терсқараш қилиб кунни кеч қилдик. Кечга яқин эса йиғилишиб ишни режалаштирдик, бунга Содиқ чўпоннинг ўзи бош бўлди.

— Бўри қўрага ўтов тарафдан келмайди, чироқ шуъласидан қўрқади, - дея уқтирди у. - Иккала шогирдим ҳам сизларга шерик. Қўранинг бурчак томонида ўзим ётаман.

- Милтиғингиз қани? - сўрадим ҳайрон бўлиб.

- Умримда бунақа фалокатни ушламаганман, - жавоб қайтарди чўпон ҳаммамизни танг қолдириб. - Отам раҳматликнинг уқтиришларича, таёқ чўпон учун энг ишончли қурол. Гап уни ишлата билишда. Сизлар ўтказиб юбормасаларингиз бас!

Янги ой соҳибжамол келинчаклардек бир қиё боққандек бўлди-ю тағин тун пардаси орасига кириб кўздан йўқолди. Қоронғиликка қаттиқ тикилганимдан кўзларим оғрийди. Балки кечаги шовқин-суронданчўчиб бугун келмас.

Тун оғди. Қишлоқ тарафдан хўрозлар қичқириғи элас-элас қулоққа чалинди. Қўра ичкарисида қўйлар тағин безовталанди. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деб шуни айтсалар керак. Ширин луқма бугун ҳам йиртқични қўрага етаклаган эди. Чучварани хом санабсан, текинхўр, бугун соғ қайтиб кетиб бўпсан!

- Бўри! - чап қанотдан ҳаяжонли ҳайқириқ келди ва шу заҳоти милтиқ гумбирлади. Унинг ортидан пўстак қоққандек бўлиб таёқ нимагадир гупиллаб тегди. Содиқ чўпон жаҳл билан сўкинди. Ҳаммамиз ўша ёққа қараб чопдик. Чўпон инграб тўлғанаётган бўрини жон-жаҳди билан тинимсиз саваларди. Унга биз ҳам қўшилишдик.

Маълум бўлишича, милтиқли пойловчидан сездирмасдан ўтган «ўғри» амаллаб қўра деворига яқинлашган. Унга ногоҳ кўзи тушиб қолган чўпоннинг ёрдамчиси қўрқиб кетганидан қаттиқ бақирган. Милтиқли шеригимиз бўрини кўрмасданоқ ўқ узган, аммо йиртқич қочиб кетишга улгурмаган. Содиқ чўпон учи тўқмоқ таёғини зарб билан унинг бошига туширган.

Кўк ёлли қашқир ўлдирилганидан хабар топган раис нонушта қилаётганимизда етиб келди.

- Раҳмат йигитлар, ишончимизни оқладинглар, - деди раис қаҳрамон кимлигидан бехабар бизга миннатдорчилик билдириб. - Бўрини ким ўлдирган бўлса, қўрадаги қўйлардан ёққанини танласин!

— Унақада мукофот қўчқор бегона бўлмас экан, - дедим Содиқ чўпон тарафга имо қилиб ва воқеани баён этдим.

Раис ёлғиз қўли билан қалин мўйлавини силаб илжайди:

- Демак, таёқ милтиқдан афзал эканлигини исботлабди-да Содиқбойимиз.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ.

«ҚИЗ МУНАЙИМ» ҲИНДИСТОНДА

«Қиз мунайим» фольклор дастаси ўн кун давомида Ҳиндистонда ўз концерт дастури билан бўлиб қайтди.

— Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат мусиқали театри ва телерадиокомпанияси артистлари ҳамда Қорақалпоқ Давлат университети талабаларидан ташкил топган «Қиз Мунайим» дастаси Деҳлида ўтказилган Ҳиндистон маданий алоқалар Кенгашининг 50 йиллик байрамида қатнашди, - деди Қоралқалпоғистон Республикаси маданият ишлари вазири Тамара Давлатмуродова «Туркистон-пресс» мухбирига. — Шунингдек, бу байрамда Россия, Сингапур ва Ҳиндистоннинг бир қатор шаҳарларидан фольклор дасталар иштирок этди.

Т.Давлатмуродованинг айтишича, қорақалпоқ санъаткорлари Деҳли шаҳрида, Панжоб ва Хорян штатларида ўз концерт дастурларини намойиш этди. Ўзбекистон ва Қоралқалпоғистон халқ артисти Мирзагул Сапаева ижро этган ўзбек ва қоралпоқ халқ қўшиқлари бахши қиз Гулнора Оллamберганова ижро этган ҳинд қўшиғи ёки бахши Бақберган Саримбетов, раққоса Индира Атағуллаеваларнинг маҳоратлари ҳинд томошабинларида чуқур таассурот қолдирди.

Деҳли шаҳридаги санскрит мактабида Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги, шунингдек, Наврўз байрами муносабати билан учрашув кечаси ташкил этилди. Ўқув юртида Нукус шаҳридаги Есжон Қўсбулатов номидаги бадиий ҳунар мактаби ёш рассомларининг кўргазмаси бўлди. Санъаткорлар концерт дастурларидан бўш вақтларида Деҳли шаҳридаги Нилуфар ибодатхонасида, Агра шаҳридаги муҳаббат рамзи бўлган Тожмаҳал саройида, Чандигарх шаҳридаги гуллар боғида бўлдилар.

УЙ БЕКАЛАРИ УЧУН

Қайнатилган картошка мазали бўлиб пишсин десангиз, сувга шивит ёки бир бўлак саримсоқ пиёз, лавр япроғи ёки озгина лимон кислотаси солинг.

* * *

Сўлиб қолган кўкатларни бир оз уксус қўшилган совуқ сувга (бир соат) солиб қўйилса, асл ҳолига қайтади. Салат кўкатини эса 10 минут иссиқ сувга солиб қўйиш лозим.

* * *

Ловияли таом тайёрланаётганда аввал қайнаган сув, сўнгра 2-3 ош қошиқ ўсимлик ёғи қўшилган совуқ сув қуйилса, янада мазали бўлади.

* * *

Ичига мева солинган пирогни кўнгилдагидек пишираман, десангиз таг қисмининг бир неча жойига эҳтиёткорлик билан гугурт чўпини қадаб олмоқ зарур. Пирог тайёр бўлгач, ёғоч тагликка қўйиб, қалин сочиқ билан ўраб қўйсангиз, совиганда ҳам юмшоқ ва мазали бўлади.

М.ЎРМОНБЕКОВА тайёрлади.

ХАНДАЛАР

— Ойижон, нима қилишимни билмай қолдим, ўзингиз маслаҳат бермасангиз бўлмайдиганга ўхшайди! Уч йигитнинг қайсисига турмушга чиқай? Биринчиси чиройли бўлмаса-да, пул топишнинг осон йўлини билади, иккинчиси жуда ақлли ва маданиятли, учинчиси овсар демасангиз, рақсга яхши тушиб, ҳаммани лол қолдиради!

— Қизим, биринчисига рақсга тушишни ўргатсак бўлмайдими?

* * *

— Бирор нарса керакми, камчилик йўқми? - дея, официант хўрандадан ҳисоб-китоб қилиб бўлгандан кейин сўради.

— Қайтимини берсангиз...

* * *

Профессор талабага қараб:

— Нега бунча қалтирайсиз? Мен бермоқчи бўлаётган саволларимдан қўрқаяпсизми?

— Йўқ, сизнинг саволларингизга бермоқчи бўлаётган ўз жавобларимдан қўрқаяпман...

* * *

Хўранда:

— Шўрванинг ичида сузиб юрган нима?

Официант:

— Билмайман. Мен ҳайвонот боғининг экскурсоводи эмас, бор-йўғи официантман.

* * *

— Дангасаев, нима учун кунлаб ишга келмадингиз? - деб сўради цех бошлиғи.

— Маст ҳолда ишга келма, деб ўзингиз айтган эдингиз-ку ахир.

Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ.

ФУТБОЛЧИ МАЙМУНЛАР

Ҳайвонот оламидаги ажойиботлар

Жониворлар ҳаёти ҳам ранг-баранг, ажойиботларга бой. Бўлмаса, маймунлар яшил майдонда тўп тепишармиди. XXI асрда футбол маймунлар орасида ҳам оммалашиб кетадиганга ўхшайди. Африканинг жанубидаги майдонларнинг бирида антиқа ўйин бўлиб ўтган. Айтишларича, Мозаки қишлоғининг маҳаллий футболчилари, мураббий Кано Милла шогирдлари — маймунлар (ишонаверинг!) билан футбол мусобақаси ўтказибдилар. Тўғри, ўйин футболчилар учун бир қанча ноқулайликлар туғдирган. Анча машғулотлардан сўнг ҳам маймунларнинг ўзаро тил топишишлари қийин кечган. Ўйиндан сўнг мураббий К.Милла команда дарвозабони Сузуки номли маймунни анча мақтаган. Агар мураббий бошқа маймунларини ҳам бир оз мақтаб қўймаганида улар тўпни тилка пора қилишармиди?

ИНСОФЛИ ЎҒРИ

Сарлавҳани ўқибоқ, ўғрида ҳам инсоф бўларканми, деб ажабланаётгандирсиз?. Асло ҳайрон бўлманг. Бу «ўғри» ўта содда экан. Нега дейсизми?

Саудия Арабистонининг Ар-Риёд шаҳридаги бозорларнинг бирида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа юз берди. Бургутини сотиш учун бозорга келган Салим исмли йигитни миршаблар дабдурустдан сўроқ қилишга тушдилар. Улар Салимни ўз бургутини яхши тарбияламаганликда айблашди. Воқеа аслида бундай бўлган эди.

Сотиш учун олиб келинган бургут ўз эгаси қўлидан чиқиб кетиб, раста ортида пул санаётган сотувчининг ҳамёнини чангаллаб, осмонга кўтарилади. Бозордагиларнинг ҳайқириқлари бургутга асло кор қилмади, бақувват панжалари орасидаги бир тахлам долларни олибоқ жўнаган бургут алламақалгача йўқ бўлиб кетган. Миршаблар ҳамён бургут эгасининг уйида деб гумон қилиб Салимни ҳибсга олмоқчи бўлиб туришганида, бу ҳолни қайсидир дарахт орасидан кузатиб турган бургут бир зумда пайдо бўлиб, пулларни одамлар бошидан сочиб юборди. Жонзотнинг содиқлигини қаранг. Шундан сўнг, Салим жавобгарликдан озод бўлди. Энди инсофли, сахий «ўғри»нинг нархи янада ошадиган бўлди.

Абдулла ТОЛИПОВ тайёрлади.

Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Ўзбекистон Енгил саноати касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг собиқ раиси **Тамара Бабановна МУРСАЛИЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг яқинлари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

МЧЖ—Камолот— Одилбек—Хано-Одилбек корхонаси иш фаолиятини тўхтатади. Шикоят ва аризалар бир ой давомида Юнус-Обод 6 квартал 10-уй 6-хонадонда **қабул қилинади.**

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 22.10

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6